XALQ DEPUTATLARI BO‘STON TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 1 - iyul VI-45-63-1-19-K/22 Bo‘ston tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижроси тўғрисида

Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан туманда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида Бўстон тумани маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўчалар ҳамда бошқа объектларни номларини ўзгартириш ҳақидаги масалани ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилиб, туман “Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияси” тақдим этган таклифлари ва вилоят “Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси” ва экспертиза хулосаларига асосланиб, Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Андижон вилоят “География объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси”нинг Бўстон туманидаги кўчалар ҳамда бошқа объектларни номларини ўзгартириш ҳақидаги хулосаси ва туман ҳокимининг “Тумандаги айрим объектларни номини ўзгартириш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномасига биноан кўчалар номини ўзгартириш” бўйича таклифи маъқуллансин.

2. Бўстон тумани “География объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси”нинг тумандаги кўчалар номини ўзгартириш бўйича таклифлари 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгаши доимий комиссияси аъзоларига:

- Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида депутатлик назоратини олиб бориш;

-тумандаги бошқа география объектларни номларини ўрганиб бориш ва таклифларини бериш тавсия этилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари В.Солиев, туман молия бўлими мудири И.Хожакбаровга номлари ўзгарган кўчалар номларини ўзгартириш бўйича пешлавҳа (табличка) учун зарурий маблағлар сметасини ишлаб чиқиш топширилсин.

5. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Ш.Мамаризаев, Кадастрлар палатаси Бўстон тумани филиали раҳбари А.Рахматалиевга:

- номлари ўзгарган кўчалар пештохига қўйилган номларни алмаштириш вазифаси топширилсин.

6. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Э.Ғаниев), “Бўстон” газетаси тахририяти (О.Сулаймонов)га мазкур қарорни матбуотда эълон қилиниши

ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Назиров ва ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Тўйчева зиммаларига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сессия раиси **S.A.NOSIROVA**

Xalq deputatlari Bo‘ston tuman
Kengashining
2022 yil 1 iyuldagi
VI-45-63-1-19-K/22-son qaroriga
1-ilova

Бўстон тумани “География объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси” нинг тумандаги қуйидаги маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўчалар номини ўзгартириш бўйича

Т А К Л И Ф Л А Р И

№	МФЙ номи	Кўчалар номи	Кўчаларнинг таклифдаги янги номи
1	Бўстон	Бобур	Ғофур Ғулом
2	Гузар	Улуғбек	Абдурахмон Жомий
3	Янгиқишлоқ	Ахтачи	Узункўча
4	Дехқонобод	Завроқ	Орзу
5	Мустақиллик 15 йиллиги	Ойим	Ахмад Югнакий
6	Халқобод	Юқори хосил	Фитрат
7	Ғолиб	Сохил	Замахшарий